Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ЖОНДОР ТУМАНИ
ҲОКИМИ
Қ А Р О Р И

O'zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
JONDOR TUMANI
HOKIMI
Q A R O R I

2020 йил "06" июль Жондор тумани 479-сон

Жондор туманида фуқароларни ҳарбий рўйхатга олишни ташкил этиш тўғрисида

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 119-сон қарорига ҳамда Жондор туман мудофаа ишлари бўлимининг 2020 йил 13 майдаги 450-сон хатига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман мудофаа ишлари бўлимининг 2020 йил 13 майдаги 450-сон хати инобатга олинсин *(хат илова қилинади)* ҳамда Жондор туманида фуқароларни ҳарбий рўйхатга олиш ишлари ташкил этилсин.

2. Туман мудофаа ишлари бўлими (И.Нормирзаев)га, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни яшаш жойлари бўйича ҳарбий рўйхатга олишга, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шу жумладан таълим муассасаларида уни юритишнинг ҳолати ва тартибини назорат қилиш топширилсин.

3. Туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилот, корхона ва ўқув муассасаларида ҳарбий хизматга мажбурлар, чақирилувчилар рўйхати ва раҳбарлар, мухандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар таркибидан иборат ҳарбий хизматга мажбурларни бронлаш ҳолатини текшириш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туманда фуқароларни ҳарбий рўйхатга олиш ишлари ташкил этиш бўйича;

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига:

ўзлари хизмат кўрсатадиган ҳудудда яшовчи барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлаш;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни бошланғич рўйхатга олиш карточкаларини захирадаги офицерлар гувоҳномалари ва ҳарбий гувоҳномалардаги, қайд этиш гувоҳномалари ва муқобил хизмат хизматчилари гувоҳномаларидаги ёзувлар билан мунтазам равишда

солиштиришга ҳамда ушбу карточкаларни бир йилда камида бир марта солиштириш учун туман мудофаа ишлари бўлимига тақдим этиш;

ўн кун муддатда ҳарбий рўйхатга олинган ва ундан чиқарилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида туман мудофаа ишлари бўлимиига хабар бериш;

- Идоравий мансублилиги ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таълим муассасаларига:

барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланадиган қоидалар ва шакллар бўйича тўлиқ ва сифатли рўйхатга олинишини таъминлаш;

захирадаги офицерлар гувоҳномаларидаги, ҳарбий гувоҳномалардаги, қайд этиш гувоҳномаларидаги ва муқобил хизмат хизматчиларининг гувоҳномаларидаги ёзувларни уларнинг шахсий карточкаларидаги (Т-2-шакл) ёзувлар билан доимий равишда аниқлаштириб бориш ҳамда ушбу карточкаларни солиштириш учун ҳар йили камида бир марта туман мудофаа ишлари бўлимига тақдим этиш;

ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг оилавий аҳволи, яшаш жойи манзили, хизматдаги мавқеи, умумтаълим ва техник тайёргарлигидаги ўзгаришларни мунтазам равишда ҳисобга олиб бориш ҳамда беш кун муддатда ушбу ўзгаришларни уларнинг шахсий карточкаларига киритиш, бу тўғрида туман мудофаа ишлари бўлимига белгиланган муддатларда, лекин ҳар ойда камида бир марта маълум қилиш;

раҳбарлар, муҳандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар таркибидаги ҳарбий хизматга мажбурлар сафарбарлик даври ва уруш даври учун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига брон қилиб қўйилишини ўз вақтида расмийлаштириш;

ишга (ўқишга) янги қабул қилинган ёки ишдан (ўқув юртидан) бўшатилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар тўғрисида етти кун муддатда мудофаа ишлари бўлимига хабар қилиш;

фуқароларни ишга (ўқишга) қабул қилишда уларда ҳарбий-ҳисоб ҳужжатлари (ҳарбий хизматга мажбурларда — захирадаги офицер гувоҳномасининг, ҳарбий гувоҳноманинг, чақирилувчиларда эса — қайд этиш гувоҳномаси) мавжудлигини текшириш ҳамда уларнинг ҳарбий ҳисобда туришини аниқлаш топширилсин.

5. Фуқаролар фақат яшаш жойи бўйича ҳарбий ҳисобга қўйилганидан кейингина ишга (ўқишга) қабул қилиниши белгилансин.

6. Туман мудофаа ишлари бўлими, ҳокимлик, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар шу жумладан таълим муассасаларидаги ҳарбий рўйхатга олиш ходимлари сони бир ходим ҳисобига юклама нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 119-сон қарорининг 15-бандида белгиланган тартибда ҳамда харбий рўйхатга олиш билан шуғулланувчи ходимларни тасдиқлаш,

алмаштириш ва ишдан бўшатиш тегишли равишда туман мудофаа ишлари бўлими раҳбари билан келишилган ҳолда амалга оширилсин.

7. Ушбу қарор “Жондор овози” газетасида эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари М.Муҳаммедов ва туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи И.Нормирзаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **К.Камолов**

DEVONXONA

Туман хокимининг 2020 йил
“06” июлдаги 479-сонли
қарорига илова

Туман ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилот, корхона ва ўқув муассасаларида ҳарбий хизматга мажбурлар, чақирилувчилар рўйхати ва раҳбарлар, мухандис-техник ходимлар ва малакали ишчилар таркибидан иборат ҳарбий хизматга мажбурларни бронлаш ҳолатини текшириш

Р Е Ж А С И

т/р	МФЙ, ташкилот, корхона ёки ўқув муассасасининг номи	Текширув ўтказиш муддати	Текширув тадбирларини ўтказишга масъул ташкилот
1.	Тинчлик МФЙ	08.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
2.	Навгади МФЙ	08.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
3.	Зарафшон МФЙ	08.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
4.	Пахтакор МФЙ	08.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
5.	Жондор пахта тозалаш заводи	14.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
6.	Охших МФЙ	21.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
7.	Намгони МФЙ	21.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
8.	Қовчин МФЙ	21.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
9.	Евроснар МЧЖ	24.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
10.	Алели МФЙ	28.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
11.	Жондор МФЙ	28.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
12.	Работ МФЙ	28.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
13.	Обод МФЙ	28.07.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
14.	Шижоат текстилмаш МЧЖ	04.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
15.	Жондор озик-овқат таъминот савдо МЧЖ	07.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
16.	Қароли МФЙ	12.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
17.	Паҳлавон МФЙ	12.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
18.	Янгиобод МФЙ	12.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
19.	Эроншоҳ МФЙ	12.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими

20.	Хўжахайрон МФЙ	12.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
21.	Довуд МФЙ	12.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
22.	Жондор туман Ободонлаштириш бошқармаси	18.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
23.	Хумин МФЙ	21.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
24.	Қозикенти МФЙ	21.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
25.	Болиоб МФЙ	21.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
26.	Қалмоқ МФЙ	21.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
27.	Денов МФЙ	25.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
28.	Мурғак МФЙ	25.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
29.	Самончуқ МФЙ	25.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
30.	Жондор туман “Тоза ҳудуд” ДУК	31.08.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
31.	Хумдонак МФЙ	04.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
32.	Ушот МФЙ	04.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
33.	Кўлиён МФЙ	04.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
34.	Жондор туман Тиббиёт бирлашмаси	10.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
35.	Нурафшон МФЙ	17.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
36.	Дарвеши МФЙ	17.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
37.	Тобагар МФЙ	17.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
38.	Чорзона МФЙ	17.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
39.	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	29.09.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
40.	Мустақиллик МФЙ	09.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
41.	Қоровул МФЙ	09.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
42.	Бахористон МФЙ	09.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
43.	Ойтуғди МФЙ	09.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
44.	Поччойи МФЙ	09.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
45.	Пўлоти МФЙ	22.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
46.	Шўработ МФЙ	22.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
47.	Демун МФЙ	22.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
48.	Ҳазорман МФЙ	22.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
49.	Занги МФЙ	22.10.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
50.	Далмунобод МФЙ	06.11.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
51.	Ойдин МФЙ	06.11.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
52.	Жамият МФЙ	06.11.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими

53.	Жондор туман Иқтисодиёт коллежи	09.11.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
54.	Мирзаён МФЙ	26.11.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
55.	Ёш куч МФЙ	26.11.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
56.	Ибн Сино МФЙ	04.12.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
57.	Луқмон МФЙ	04.12.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
58.	Ромиш МФЙ	09.12.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
59.	Қазоқон МФЙ	09.12.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
60.	Оқтепа МФЙ	09.12.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
61.	Жондор туман Қишлоқ-хўжалик коллежи	11.12.2020 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими
62.	Жондор туман Сувоқава МЧЖ	08.01.2021 йил	Туман мудофаа ишлари бўлими

Жондор тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи **И.Нормирзаев**